

**Сирдарё вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси,
“Нуроний” жамғармаси вилоят Васийлик кенгаши раиси
Ғ.Ғ. Мирзаевнинг кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш,
ёшларни тарбиялаш, маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни
сақлаш борасидаги фаолияти тўғрисида Васийлик Кенгашининг
2017 йил 1 декабрь куни ҳисобот йиғилишидаги**

М А Ъ Р У З А С И

Ассалому-алайкум ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Ўзбекистон Республикасида мамлакат иқтисодини барқарор ривожлантиришга таянган кучли ижтимоий сиёсат олиб борилмоқда. Аҳоли фаровонлиги ўсиб, халқимизнинг турмуш шароити яхшиланмоқда, бунинг натижасида ўртача умр кўриш узаймоқда, кекса ёшдаги одамларнинг салмоғи ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда Муҳтарам Юртбошимиз Шавкат Миромонович томонидан кексалар, ёлғиз пенсионерлар ва ногиронларнинг ижтимоий химояси билан боғлиқ бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Миллий қадриятларимиз ва шарқона урф-одатларимизга кенг йўл очилди.

Муҳтарам Юртбошимиз Президентликка киришишдаги тарихий маърузаларида кекса ва нуронийларимиз учун “ Айнан ана шундай табаррук инсонларнинг Ватанимизга бўлган буюк меҳр-муҳаббати ва жонкуярлиги туфайли мустақил Ўзбекистон давлатининг мустаҳкам замини яратилди. Шу борада бир фикрга алоҳида урғу бериб таъкидламоқчиман: ёши улуғ инсонлар, катта авлод вакилларига эътибор ва амалий ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг пенсияларини ошириш, тиббий хизмат ва ижтимоий-маиший таъминотини яхшилаш бундан буён ҳам Президент учун, Ҳукуматимиз ва барча ҳокимликлар учун энг муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб қолади.” дея фикр билдириб, аниқ вазифаларни белгилаб берган эдилар.

Дарҳақиқат, орадан кўп вақт ўтмасдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги ПФ-4906-сонли “Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний”

жамғармасының фаолятини янада такомиллаштириш чоратдбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, оддий фуқаролардан хўжалик субъектларининг раҳбарларига, айниқса фахрийлар ушбу тарихий Фармон ва қарорларни хурсандчилик билан қабул қилганлар.

Ушбу тарихий ҳужжатнинг бош мақсади - кексаларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат тизимини янада такомиллаштиришдир. Шу мақсадда қариялар ва фахрийларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг фаоллигини ошириш, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирок этишлари учун шарт-шароитлар яратиш, тинчлик-осойишталикни таъминлаш соҳасида катта авлод вакилларининг ролини оширишдан иборат.

Сайловолди йиғилишида “вилоятимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, оилалардаги, маҳаллалардаги тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, “Нуроний” жамғармасы фаолятини такомиллаштириш, жиноятчиликни, айниқса вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни олдини олишда, ёшлар тарбиясига алоҳида аҳамият беришда нуроний ва кексаларнинг таъсирини ошириш борасида Сирдарёликлар барчага намуна бўлишлари лозимлиги” Муҳтарам Президентимиз томонларидан алоҳида таъкидлаган эдилар.

Жорий йилнинг ўтган давридаги ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, ёруғ юз билан айта оламизки, бу борада вилоятимизда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Аввало, жамғарманинг вилоят ва туман бўлинмалари раҳбар ва мутасаддилари тажрибали, халқимиз ўртасида обрў ва эътиборга эга бўлган, замон билан ҳамнафас, эл-юрт корига ярайдиган кадрлар билан мустаҳкамланди.

“Нуроний” жамғармасы туман ва шаҳар бўлимлари ходимларининг масъулияти кескин оширилди. Шу билан бирга кексаларни жамғармага ишончи ҳам ортди.

Республика Президентининг таъкидлаб ўтилган Фармони ва қарорига мувофиқ “Нуроний” жамғармасы вилоят бўлимининг Васийлик кенгаши ҳамда Гулистон шаҳар ва барча туманлар кенгашлари янгидан сайланди ва уларнинг иш фаолятини давр, замон талаби асосида ташкил этиш учун жамғарма бўлимларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда.

Муҳтарам Юртбошимизнинг талаблари ва бевосита раҳбарликларидан Гулистон шаҳрининг марказида маданият ва истироҳат боғи

худудида “Нуроний жамғармаси” вилоят бўлимининг маъмурий биноси ва “Нуронийлар маскани”ни қисқа муддатларда қуриб ишга туширилди. Мажмуани барпо этишда камарбаста бўлган, яқиндан кўмак берган Сирдарё Вилоят хокимлиги, вилоят прокуратураси ва қурувчиларга, вилоятимиздаги барча кекса нуронийлар номидан миннатдорчилик билдираман.

Мажмуада бой китоб фондига эга бўлган кутубхона, шахмат-шашка уйнаш учун дам олиш хоналари, кексалар учун махсус тренажёрлар билан жиҳозланган даволаш-жисмоний тарбия ва стол теннис заллари, шунингдек 125 ўринли ошхона ва тиббий хоналар мавжуд бўлиб, нуронийларни ҳақиқий хордиқ масканига айланди.

Бугунги кунда **165** нафарга яқин нуронийлар, энг эътиборлиси **85** нафардан ортиқ онахонлар жисмоний тарбия билан шуғулланмоқдалар.

Сизларга маълумки, Президентимизнинг юқоридаги Фармонларида (4-банд) шу йилнинг 1 сентябрига қадар ҳар бир туманда “Нуроний”лар масканларини барпо этиш юзасидан аниқ топшириқлар берилган эди. Ҳозиргача Гулистон, Боёвут, Мирзаобод туманларида бундай комплекслар мослаштирилган биноларда ташкил этилди.

Бироқ, Оқ Олтин, Ховос, Янгиер, Сирдарё, Сайхунобод, Сардоба, Ширин шаҳарлари ва туманларида масканларни қуриш учун ер майдонлари ажратилган бўлсада, қурилиш ишлари асоссиз равишда кечиктирилмоқда. Ушбу туман хокимларига барча имкониятларни ишга солган ҳолда 2018 йил 1 чораги охиригача “Нуроний”лар маскани қурилишини яқунлаш вазифаси топширилади.

Хурматли йиғилиш иштирокчилари бир нарсани тўғри тушунайлик, масканга келганлар чой ичиш, хордиқ чиқариш билан бирга ижтимоий муҳитни барқарорлаштириш, ёшлар тарбияси, одоб ахлоқ, ёш оилалар барқарорлиги, ажрим ва туй хашамларда исрофгарчиликларни олдини олиш, ободонлаштириш, масалаларида гурунг, давра суҳбатлари ўтказишлари лозим деб ҳисоблайман.

Хурматли йиғилиш қатнашчилари!

Республика Президентининг ПФ-4906 сонли Фармони ва ПҚ-2705 сонли қарорларининг мақсад ва моҳияти “Нуроний” жамғармаси Сирдарё вилояти бўлими ҳамда шаҳар ва туманлар бўлинмалари, Васийлик Кенгаши аъзолари, тегишли ҳамкор бошқарма ва ташкилотлар билан бирга кенг тарғиб этилиб, унда белгиланган вазифаларнинг ижроси мунтазам мониторинг қилиб борилмоқда, фармон ва қарорнинг мазмун ва моҳиятини ҳаётга тадбиқ қилишда бошқарма, корхона, ташкилот ва муассасаларга амалий ёрдам бериб келинмоқда.

Барча отахон ва онахонлар давлатимиз томонидан кексаларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётганлигидан шукрона қилиб, кўлларида келганича юрт тинчлиги, она-Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги, хусусан, ёшларимизни миллий истиқлол ғоясига садоқат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшажаklarини таъкидламоқдалар.

Шунингдек, нуронийлар ёшларни халқимизнинг кўп асрлик анъаналарига, Ватанга муҳаббат, кексаларни эъзозлаш руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиш мақсадида вилоятимизнинг барча хўжалик субъектларида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган “Нуронийлар” ишлари бўйича таянч ячейкалар ташкил этилмоқда.

Бу борада вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят ички ишлар бошқармаси, вилоят божхона бошқармаси, Гулистон давлат университети, вилоят адлия бошқармаси, вилоят халқ таълими бошқармаси каби ташкилот ва муассасаларда бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу ташкилот ва муассасаларда Нуроний ва фахрийлар кенгашлари жамоатчилик асосида фаолият юритмоқда. Бу соҳа бўйича алоҳида масъул шахс нуроний ва кексаларни қабул қилиш, суҳбатлашиш, муаммо ва таклифларини кўриб чиқиш бўйича иш олиб бормоқдалар.

Бу жамоаларда меҳнат қилиб, бугунги кунда нафақада бўлганларни тизимли равишда моддий ва маънавий жиҳатидан қўллаб-қувватлаган ҳолда ёш мутахассисларни тайёрлашда тажрибали ходимларнинг ўнгитларидан самарали фойдаланилмоқда. “Уста-шогирд” анъаналари кенг йўлга қўйилмоқда. Нуронийлар ва фахрийларнинг ҳаёти, уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш жараёнларини акс эттирувчи фото-лавҳалар,

альбомлар, стендлар ва видеотасмалардан кенг фойдаланилиб, фармон талабларини яхши бажараётган бир вақтда **афсуски, айрим жамоаларда кексалар ҳолидан хабар олиш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, ҳеч бўлмаса уларнинг қадрини ўрнига қўйиб, маънавий жиҳатидан қўллаб-қувватлашга етарли эътибор берилмаяпти. Бу борадаги камчиликларни Гулистон шахри ва туманлардаги кўплаб ташкилот(корхона) ва муассасаларда учратиш мумкин.** Қишлоқ хўжалиги бўйича собиқ ширкат ва давлат хўжаликларида, амалдаги тартибда тугатилган корхоналарда меҳнат қилиб, нафақага чиққан нурунийлар, якка-ёлғизлар ҳолидан хабар олиш долзарблигича қолмоқда. Бунда фермер хўжаликлари раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари қолаверса, ҳар биримиз озгина эътиборли бўлиб улар ҳолидан хабар олсак савобли иш бўлар эди. Чунки, насиб қилса ҳар биримиз вақти келиб кексаямиз, меҳр ва эътиборга муҳтож бўламиз.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Миромоновични кекса ва нурунийларга қаратаётган эътиборлари ҳар биримизга намуна бўлиши керак.

Кексалар учун белгиланган пенсиялар ва имтиёзлар бўйича қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, кекса авлод вакилларини қўллаб – қувватлаш эҳтиёжманд кексаларни ва аҳолининг бошқа ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ва тиббий ёрдам бериш жамғарманинг олдида қўйилган асосий вазифаларидан биридир.

Вилоятдаги **55851** нафар пенсия ва нафақа олувчиларга ойига **25** млрд. 426 млн сўмлик пулларини “Халқбанки”нинг тегишли бўлимлари орқали ўз вақтида етказиб берилмоқда. Албатта, бу ишларни тизимли давом эттириш лозим. Чунки кексалар орасида ётиб қолган, якка-ёлғиз ва ногиронлари борки, уларнинг пенсияларини ўз вақтида ва уйларида етказиб бериш, уларни ҳолидан хабар олиш, камчиликлари, муаммоларини аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилиши зарур. Бу масалада Республика Президентининг 2017 йил 2 февралдаги *“Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва степендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-2753-сон қарори муҳим аҳамият касб этди.*

Вилоят “Халқбанки” вилоят бошқармаси бошлиғи Боходир Ботиров, бу ташаббусни ўз қўлингизга олинг, катта савобга эга бўласиз!

Вилоятимизда яна бир анъана вужудга келдики, у ҳам бўлса, узоқ муддат халқ хўжалининг турли тармоқларида самарали меҳнат қилиб, нафақа ёшига етганларни иззат-икром билан пенсияга тантанали узатиш тадбирларини ташкил этилаётганидир.

Бундай тадбирлар нафақат корхона, ташкилот ва муассасалар доирасида балки, ҳокимликлар, фаоллар, кекса авлод вакиллари ва ёшлар иштирокида ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу эса ўз навбатида нуронийларимизни шундай кунларга етганига шукроналик кайфиятини беради. Бугунги кунда меҳнат қилаётганларни эса ҳалол, сидқидилдан фидоийлик билан ишлаш орқали шундай эъзозга эришишга ундайди.

Кексаларнинг турмуш шароитини ошириш, пенсияга чиққандан сўнг уларнинг юқори ижтимоий фаоллигини, хусусан ҳудудларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш ва бу соҳада маҳаллий ҳокимият органларига яқиндан ёрдам бериш ҳам керак. Айнан шу мақсадда жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида, вилоятдаги **210 та** МФЙларида “Нуронийлар жамоатчилик кенгаши”лари тузилиб, уларни кексалар ва фахрийлар бўйича маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг ўринбосарлари-кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилари бошқармоқдалар.

Ушбу Кенгашилар таркибига **1223 нафар** нуронийлар, жумладан **843 нафар фаол** онахонлар аъзо қилинган. Улар томонидан ҳудудларни ва маҳаллаларнинг тинчлик, осойишталиги, оилаларнинг барқарорлиги, жиноятчиликларни олдини олиш юзасидан тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Вилоятимизнинг барча ҳудудларида жамғарманинг туман(шаҳар) бўлими билан биргаликда фуқаролар йиғинлари раисларининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосарлари учун тасдиқланган график асосида семинар-йиғилишлар ўтказилди. Бунда жамғарманинг вилоят бўлими раис ва ўринбосарлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг хотин-қизлар ва ёшлар ишлари бўйича ўринбосарлари иштирок этди. Мазкур йиғилишларда МФЙ раислари-нинг кексалар бўйича ўринбосарларининг олдидаги вазифалар белгилаб берилди. Ҳудудлардаги ижтимоий-сиёсий муҳит аниқ мисоллар асосида муҳокама этилди ҳамда камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Мазкур йиғилишларда аввало, маҳаллалар ва оилалар кесимида ижтимоий муҳитни чуқур таҳлил қилиш, жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганлар оилалари, ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турган вояга етмаганлар рўйхатларини тизимли

шакллантирган ҳолда улар билан иш олиб бориш, маҳалладаги **Нуронийлар жамоатчилик кенгашлари томонидан** ҳар ҳафта якунида оилалар билан амалга оширилган ишларни муҳокама қилиб борилиши йўлга қўйилди.

Бу борада ўзининг фаоллиги ва фидоийлиги билан Гулистон шаҳар ва туманларда обрў-этиборга эга бўлган кўплаб нуронийларни борлиги бизни қувонтиради, албатта. Мен бугунги тадбирда уларнинг айримларини исм шарифларини ўқиб бермоқчиман,

Гулистон шаҳридан Хайдар Қиличев, Тоштемир Ёқубов, **Боёвут туманидан** Камолиддин Мухиддинов, **Гулистон туманидан** Рустамхон хожи Камилов, **Мирзаобод туманидан** Санжар Қодиров, **Сайхунобод туманидан** Номозхон Махмудов, **Сирдарё туманидан** Мухаммаджон Қипчоков, **Сардоба туманидан** Бозорбой Қаюмов, **Оқ Олтин туманидан** Мансурхожи Исмоилов, **Янгиер шаҳридан** Турсунбек Рахимов ва бошқалар.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири бўлган ёшлар тарбияси борасида, хусусан ёшларни она-Ватанга муҳаббат, кекса авлод кишиларини ҳурмат қилиш, эзгулик ва раҳмдиллик каби кўп асрлик анъаналарини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш барчамизнинг биринчи галдаги вазифаларимиздан бўлмоғи лозим.

Вилоятдаги мавжуд **297** та умумтаълим мактабларида жами **133861 нафар**, **52** та академик лицей ва касб-хунар коллежларида **31145 нафар ўқувчи ёшлар** таҳсил олмоқдалар. Ўқувчиларнинг ҳуқуқий, тиббий билимларини ошириш, юксак одоб-ахлоқ тамойиллари асосида тарбиялаш, касб-хунарга ўргатиш, кийиниш ва муомила маданиятини ошириш, уларни ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қилиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланиб **”Оила-маҳалла-таълим муассасалари ҳамкорлиги”** йўлга қўйилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида мамлакатимиз тараққиётини янада жадаллаштириш, амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳиятини кенг оммага етказиш, юртимиз тинчлиги ва халқ фаровонлигини ошириш юзасидан амалга оширилаётган ишларни тарғиб қилиш мақсадида “Нуроний” жамғармаси вилоят, туман(шаҳар) бўлимлари мутасаддилари ва фаоллари ташаббуси ва иштирокида **1228** та

тадбирлар, авлодлар учрашуви ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Бу тадбирларда **25 мингдан** зиёд фахрийлар иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22-23 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифлари давомида **ёшлар билан ишлаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда оилалардаги аҳиллик, тинч, осойишта ва шукроналик билан ҳаёт кечиришни таъминлашга доир** манзилли вазифаларни белгилаб берган эдилар. Шунга мувофиқ Сирдарё вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, вилоят ички ишлар бошқармаси ва “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорлигида Фарғона тажрибаси асосида **“Сирдарё вилоятида вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга ошириладиган комплекс чора-тадбирлар дастури”** ишлаб чиқилди ва унинг ижроси назоратга олинган. Унда ёшлар билан ишлаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда оиладаги аҳиллик, тинч ва осойишта, шукроналик билан ҳаёт кечиришни таъминлаш чора-тадбирлари белгиланган.

Фарғона тажрибаси асосида *(2017 йил 25 сентябрда)* “Сирдарё вилояти ҳокимлиги билан “Нуроний” жамғармаси Республика бошқаруви ўртасида **“Ёшлар билан ишлаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда оилалардаги аҳиллик, тинч ва осойишта, шукроналик билан ҳаёт кечиришни таъминлашда “Нуроний” жамғармасининг фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қўшма қарори ва дастур қабул қилинди.

Жорий йилнинг **15** ноябр кундаги видеоселектор тарзда ўтказилган йиғилишда мухтарам Юртбошимиз барча давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда фидоий нуроний фаолларга жиноятчиликни олдини олишда бир қатор вазифаларни белгилаб бердилар, Жумладан, икки ой муддатда ҳар бир фуқаролар йиғинидаги нотинч оилалар рўйхатларини шакллантириш, вояга етмаган ёшлар томонидан жиноят содир этилишига йўл қўймаслик ҳамда бу борада тизимли иш ташкил этишни белгилаб бердилар.

Жамиятимиздаги барча давлат ва жамоат ташкилотларининг асосий вазифаси бугунги кунда фуқароларимизнинг тинчлик ва

осойишталигини таъминлаш, ҳар бир фуқаро **“Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак,”** - деган фикр билан яшаши керак.

Республикамизда биринчилардан бўлиб, вилоятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини янада яхшилаш, уюлмаган аҳоли ва ёшларни экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолиши, ноқонуний миграция, ўз жонига қасд қилиш, эрта турмуш куриш, ажримларнинг олдини олиш ҳамда вояга етмаган ёшларни дарс ва машғулот вақтида ўз ўринларида бўлишларини таъминлаш, улар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида **“Нуроний”** жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан **вилоятдаги нуронийлар ичидан обрў-эътиборга эга, фаол ва фидоий 875 нафар фахрийлар танлаб олиниб, маҳалла фуқаролар йиғинларига, мактаб, касб-ҳунар коллежлари, тарбияси оғир профилактика ҳисобида турувчи болаларга бириктирилган.**

Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида маҳаллий хокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга ошириладиган комплекс чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлаш мақсадида, маҳалла раислари, профилактика инспекторлари, ўқитувчи - педагоглар, **“Ёшлар иттифоқи”** етакчилари, намунали оилаларнинг кекса нуронийлари, ҳуқуқ-тартибот идораларидан нафақага чиққан фаоллардан иборат таркибда **210 та ишчи гуруҳ** шакллантирилган.

Ўрганишлар асосида вояга етмаган ёшларни - жиноят содир этган, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган ва намунали тарбияга эга бўлган уч тоифага ажратиб улар учун аниқ мақсадли тадбирлар ташкил этилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган **10 ойи** якуни бўйича вилоятда вояга етмаганлар томонидан содир этилган **28 та жиноят** таҳлил қилиниб, уни содир этган вояга етмаганларнинг хонадонларига бориб, жиноятнинг келиб чиқиш сабаби ва шарт-шароитлари аниқланган.

Бунинг натижасида ёшлар томонидан хусусан, вояга етмаган ёшлар томонидан жиноятлар содир этилиши ўтган йилга нисбатан камайишга эришилган. Хусусан, вилоятда **ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар** ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **19 тага камайган.** Вилоятда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар ўтган йилга нисбатан 12 тага камайган бўлсада (47-28), **Ширин шаҳри (1-2) 1тага, Сайхунобод (2-3) туманларида 2 тага**

ортган. Ушбу жинойтларда **37 нафар** вояга етмаганлар иштирок этган. Ачинарлиси, уларнинг **16** нафари мактаб, **12** нафари коллеж ўқувчиларидир.

Жорий йилнинг **10 ойида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жинойтлар асосан**, Гулистон шаҳрининг Тараққиёт МФЙ (1та), Сирдарё тумани Хазина МФЙ(2та), Жомий МФЙ(1 та), Истикбол МФЙ (2та), Оқолтин тумани Дўстлик МФЙ (3 та), Боёвут тумани Маданият МФЙ (1 та), Сайхунобод тумани Турон МФЙ (3 та), Фаравон” МФЙ (2 та), Гулистон тумани “Сохилобод” МФЙ (1 та) “Бешбулоқ МФЙ (1 та), Ховос тумани Фарход МФЙ (3 та), Мирзаобод тумани Боғистон МФЙ (2 тага) ортган.

Шу ўринда савол хўш ушбу маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари уларнинг маслахатчилари, нуронийлар, кенг жамоатчилик каёкка қарамокдалар. Мазкур маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари жавоб беришга тайёр бўлсинлар.

Жорий йилнинг ўтган ойлари давомида жами **2181 нафар** назоратсиз ва қаровсиз юрган вояга етмаган ўсмирлар ИИБлари ходимлари ва жамоатчиликнинг саъй - ҳаракати ва аралашуви билан хизмат хоналарига келтирилиб, тарбиявий суҳбатлар ўтказилган. **471** нафар назоратсиз ва қаровсиз юрган вояга етмаган ўсмирлар “Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази”га жойлаштирилди.

Шунинг баробарида **2017 йилнинг ўтган даврида** ҳокимликлар, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Хотин - қизлар кўмиталари, Ёшлар иттифоқи кенгаши, профилактика инспекторлари, имом-хатиб каби ҳамкорлар билан олиб борилган ташвиқот ва тарғибот ишлар ҳамда қонун талабларини тушунтириш натижасида жорий йилнинг ўтган даврида диний экстремистик оқимга хайрихоҳ **260 нафар** фуқаролар чиқарилди.

Бироқ, олиб борилаётган бундай саъй ҳаракатларга қарамасдан вилоятда ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолларини учраб туриши бизни ташвишга солмоқда. Бу ҳолат кенг жамоатчилик айниқса, оила-маҳалла-мактаб-коллеж-олийгоҳ ҳамкорлигини тизимли ташкил этишни куннинг асосий вазифаларидан қилиб кўймоқда.

Вилоятда ўтган 10 ой давомида **62 нафар** фуқаро ўз жонига суиқасд қилган бўлса, уларнинг **13 нафари** вояга етмаганларни ташкил этиши ҳали бу соҳада кўп ишлашимиз кераклигини тақазо этмоқда. Ушбу ҳолат Боёвут туманида-3 та, Сайхунобод

туманида-2та, Ховос туманида-1, Сирдарё туманида-1, Мирзаобод туманида-1 та Сардоба туманида -3 тани ташкил этади. Мазкур туманларда ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш катта гуноҳ эканлиги тўғрисида аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида тушунтириш, тарғибот ишлари етарли эмаслиги, жамоатчилик ҳамкорлиги етарли йўлга қўйилмаганлигини кўрсатмоқда.

Вилоятда профилактик ҳисобга олинган оила турмуш муносабатлари доирасида мунтазам ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахслар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **52 тага камайди.** Бундай ҳолатлар Гулистон шаҳри, Янгиер шаҳри, Мирзаобод туман Сирдарё туманларида бундай шахслар сонининг салмоғи юқориликгича қолмоқда.

Афсуски, бугунги кунда фарзандлар тарбиясига салбий таъсир этувчи **271 оила рўйхатга олинган бўлиб, бундай оилалар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1 тага камайгани** ўта ачинарли ҳолат эканлигини таъкидлаш лозим. Бундай оилаларни Гулистон шаҳри 34та, Боёвут туманида 34 та, Мирзаобод туманида 38 та Сардоба туманида 34, Сирдарёда 32та, Янгиер шаҳрида 18та, Ховос туманида 21та, Гулистон туманида 24та, Оқ олтин туманида 9та, Ширин шаҳрида 3та учраётганлиги ушбу ҳудудларда ҳокимликлар, нодавлат ва ноижорат ташкилотлари томонидан етарли иш олиб борилмаётганлигидан далолат беради.

Ҳисобот даврида вилоятимизда оилавий ажралишлар сони 500 тадан 535 тага кўпайди, яъни 35 тага ортган. Бу ҳолат Боёвут, Гулистон, Мирзаобод, Сайхунобод, Сирдарё ва Янгиер шаҳрида турмуш бузулишлар сони ортганлиги, ачинарлидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда оилаларда тинчлик ва хотиржамликни таъминлаш, ёлғиз кишилар ва эҳтиёжманд кексаларни ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Фуқароларни айниқса, ёшларимизни диний экстремистик оқим таъсирига тушиб қолишини олдини олиш, йўлдан адашганларни ушбу жирканч ғоялардан қайтаришда кекса авлод вакиллари ҳам қатъий иш олиб боришмоқда. Чунки бу муаммоларни кўплаб мажлислар ўтказиш ва семинарлар ташкил этиш билан ҳал этиб бўлмайди. Бунинг учун турмуш тарзимизга ёт бўлган ғоялар қамровига тушиб қолган ҳар бир

оила ёки шахс билан индивидиал ишланаётганлиги яхши самара бермоқда.

Юртбошимиз Шавкат Миромоновичнинг шахсан топшириқлари асосида, вилоятимиздаги кекса, тажрибали нурунийларни ҳар бир адашган фуқароларга ва уларнинг оиласига биркитиб қўйган ҳолда тушунтириш ишлари олиб борилган. Шаҳар ва туман ҳокимликлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, нурунийлар вакиллари бошқа нодавлат, нотижорат ташкилотлари вакиллари билан олиб борилган ишлар натижасида, вилоятимиздаги **260 нафар** фуқаролар диний экстремистик аъзолар рўйхатидан чиқарилди.

Бу соҳадаги ишларимизни тизимли давом эттириш, ҳушёрлик ва огоҳликни бир зум ҳам бўшаштирмаслик керак. Зеро бугунги таҳликали замонда бир қатор мамлакатларда бўлаётган хунрезликлар бу масалада янада қатъйроқ бўлишни талаб этмоқда.

Жамғарманинг бош вазифаларидан яна бири иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт орти меҳнат фахрийларини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уй-жойлари ва таъминотидан хабар олишдан иборат. Бугунги кунда, вилоятимизда **21 нафар** уруш қатнашчилари мавжуд бўлиб, улар Президентимиз ва ҳукуматимизнинг чексиз ардоғи ва ғамхўрликларида бўлмоқдалар. Уларга “Хотира ва кадрлаш” куни муносабати билан бир марталик пул мукофотлари ўз вақтида тўлиқ етказиб берилди.

Бундан ташқари **806 нафар уруш** орти меҳнат фахрийлари ҳам ижтимоий ҳимояга олинган бўлиб, Наврўз байрами муносабати билан **380** нафар кекса ва ногиронлар кам таъминланган оилаларга **41**млн **40** минг сумлик озиқ-овқат маҳсулотлари манзилли етказиб берилди, “Нуруний” жамғармаси вилоят бўлими томонидан 9 май “Хотира ва кадрлаш” куни муносабати билан **26** нафар уруш қатнашчиси, **8** нафар жангчи оиласига **26**млн **860**минг сўмлик ётоқ кравати ва чойшаблар янгилаб берилди.

“Нуруний” жамғармаси Республика бошқарув томонидан ажратилган маблағ ҳисобига 9 май “Хотира ва кадрлаш куни” муносабати билан **1** нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчисига **97** млн сўм маблағ сарфланиб, янги уй жой билан таъминланди, ундан ташқари **12** нафар фахрийларимизнинг уй жойларини таъмирлашга Республика “Нуруний” жамғармаси томонидан ажратилган **108** млн сўм маблағ сарфланди.

“Мамлакатимиз Мустақиллигининг 26 йиллиги” муносабати билан вилоятимиздаги иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт орти меҳнат фахрийлари, якка ёлғиз ва эҳтиёжмандлар оилаларга **110** нафарига “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими ҳисобидан **12**млн **870**минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари манзилли тарқатилди. Бу мамлакатимизда нуронийларни ижтимоий ҳимоялашга ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ифодаси бўлди.

Нуронийларни, айниқса, иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийларининг соғлигини ҳимоялаш мақсадида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят “Соғлом авлод” жамғармаси билан ҳамкорликда 11 минг нафар кекса ва нуронийлар тиббий кўриқдан ўтказилди. 120 нафари шифохоналарда, 1540 нафари сихатгоҳларда даволанди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, “Махалла” хайрия жамоат фонди ҳамда хомийлар кўмагида нуроний ва ногрионларга 107 дона ногиронлик арвачалари, 25та эшитиш мосламалари, 115 дона хасса ва кўлтиқ таёқ анжомлари, 118 нафар кексалар протез-ортопедик жихозлар билан таъминланди.

Муҳтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан 2017 йилда вилоятимиздан **146 нафар** меҳнат фахрийси “Ҳаж” сафарига бориб қайтдилар. “Ҳаж” амалларини тўла-тўқис бажаришлари учун барча имкониятлар яратилди.

Ундан ташқари, 2017 йилнинг ўтган даврида **780 нафар** нуронийлар мамлакатимизнинг тарихий ёдгорликлари мавжуд бўлган Самарқанд, Бухоро ва Тошкент шаҳарларига саёҳат ва зиёратгоҳларга бордилар.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Жорий йилнинг ўтган даврида жамғарманинг кексалар турмуш сифатини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилди. Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида улар иштирокини таъминлаш, оилалар тинчлик-осойиш-талигини таъминлаш, ёши кекса фаолларни нотинч оилаларга бириктириш, шунингдек ёлғиз ва муҳтож кексаларга ижтимоий ва моддий кўмак беришдек, асосий вазифасининг ижросига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳокимликлар, хотин-қизлар кумиталари, ўзини-ўзи бошқариш фонди бўлимлари, давлат идоралари, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирокида **58215** минг оилаларнинг турмуш тарзи, оилавий аҳволи амалдаги тартибда ўрганиб чиқилди, **12378** та муаммолар аниқланди.

Шундан иқтисодий йўналишда **3061**та, иш билан таъминлаш **675**та, банк кредити **743**та, пенсия кечикиши бўйича **454** та, ижтимоий маънавий муҳит бўйича **1077**та, МФИ ишидан норозилар **1364**та, таълим йўналишида **208**та, Соғлиқни сақлаш бўйича **2095**тани ташкил қилади. Аниқланган муаммоларнинг **1467**таси жойида ҳал этилиши мумкин бўлган муаммолар бўлиб аксарияти ҳал этилди. .

Юқоридаги ижобий ишлар билан бирга жойларда халқ билан мулоқот қилиш ҳолати етарли эмас. Натижада, фуқароларимиз ҳақли равишда юқори идора, вилоят ва туман ҳокимликларига мурожаат қилишга мажбур бўлмоқдалар. **Оилавий муаммолар, қариндош-уруғлар ўртасидаги келишмовчиликлар, кўшнисининг ариғидан ифлос сувни оқизиши каби масалаларни юқори идораларга кўтариб чиқиш шартмикан? Бундай масалалар маҳаллани ўзида, қолаверса туман ва шаҳар даражасида ечимини топиши керак, эмасми?**

Жорий йилги ғалла ва пахта ҳосилини етиштиришда бир қатор кўпни кўрган нуронийларимизнинг бой тажрибасига суянган ҳолда уларни туманларга биркитиб, ғалла экиш, уни парваришлаш ва ўз вақтида йиғиштириб олишда яқиндан ёрдам беришларини сўраган эдик.

Уларнинг аксарияти фидойлик билан кўмак бердилар. Бугун ҳам 2018 йил ҳосили учун ғалла экиш ва дастлабки парваришлаш ишларини амалга оширишда ҳам тажрибали кексалар сидқидилдан ёрдам бериб келмоқдалар. Бугунги йиғилишдан фойдаланиб уларга ўзимнинг миннатдорчилигимни билдираман.

Ғалла ва пахтачилик ишларига ёрдам бериб келаётган нуронийларимиз орасидан айрим фаолларини бугун эътироф этиш ўринли деб ҳисоблайман. Хусусан, меҳнат фахрийси Ахат Пиримқулов, Сайхунобод туманидан Умурзоқов Жўрабой, Сирдарё туманидан Ҳолйигит Райимбердиев, Боёвут туманидан Тоир Мамамуров, Сардоба туманидан Бозорбой Қаюмов, Мирзаобод туманидан Абдураззоқ Нажмиддинов, Оқ олтин туманидан Жўракул тўхтаев, Сайхунобод туманидан Ҳамиджон Маматқуловлар ўз ҳаётий

тажрибалари асосидан фермерларга амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Бундан ташқари вилоятимизнинг **1240** нафардан ортиқ нуроний ва кексалари маҳаллалар ва оилаларда тарғибот, маданий тадбирлар ҳамда пахта йиғим теримида фаол иштирок этдилар.

Тажрибали нуроний ва кексаларимизни вилоятимизнинг барча жабҳаларида фаоллиги ортиб бораётганлиги 2017 йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда ҳам намоён бўлди. Терим якунланаётган бугунги кунда шуни таъкидлайманки, биз барча-барчанинг сайъ-ҳаракатларини сарҳисоб қиламиз. Фидоийларга ўзимизнинг миннатдорчилигимизни айтамиз, уларни эъзозлаймиз, шунинг билан бирга ўзини четга олиб, томошабин бўлиб турганларга ҳам муносиб баҳосини берамиз.

Боёвут, Гулистон, Сайхунобод, Мирзаобод, Ховос, Сардоба, Сирдарё туманлардаги кекса ва нуронийларимизни пахта теримини ташкил қилишдаги ишларини алоҳида эътироф этамиз. Шу билан бир қаторда Янгиер, Ширин шаҳарлари, Оқ олтин туманларида етарли ташкилотчилик қилинмагани ҳам ҳақиқат.

Ҳозирга кунда Президентимиз Фармонига мувофиқ, нуроний фахрийларимиз ҳамда наъмунали оилани бошқарган онахонларимиз каторидан I, II, III - даражали “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони учун номзодлар сараланмоқда. Гулистон шаҳри ва туманлардан энг муносиб номзодларни кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак.

Хабарингиз бор, Мухтарам Юртбошимиз ўзларининг Сардоба туманида сайловолди учрашувларидаги маърузаларида Гулистонни гуллар шаҳрига айлантириш, Гулистон шаҳар кўчаларини бугунги замон талаби даражасига келтириш, кўп қаватли уйлар қурилишини давом эттириш, ҳар бир туманга чет эл инвеститцияларини киритиб, мингтадан янги иш ўринларини яратиш, шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш ишларини янада кенгайтириш, бунинг учун хориж тажрибасидан фойдаланиш, бунда вилоятимиз нуронийларининг бошқош бўлиши кераклигини қайд этган эдилар.

Ушбу топшириқ ижроси бўйича шу йилнинг бошида вилоятимизнинг бир қатор соҳа раҳбарлари чет давлатида бўлиб, уларнинг тажрибаларини ўргандилар. Гулистон шаҳри ва туманларимизда гулзорлар ташкил этиш, янги ландшафтлар барпо қилишда дадил қадамлар қўйилди. Буни бугун қайд этишдан асосий мақсадимиз, бошланган ишларни келгуси йилда янада

ривожлантириш, такомиллаштириш зарур, энг асосийси ҳозирдан бу ишларга тайёргарликни бошлаш керак.

Мухтарам йиғилиш иштирокчилари!

Ҳисобат даврида, юқорида қайд қилиб ўтилганидек, “Нуроний” жамғармасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш баробарида жамғарманинг молиявий ҳолатини яхшилашга эътибор қаратилгани, кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва эҳтиёжманд нуронийларга моддий ёрдам кўрсатиш кўламини кенгайтириш имконини яратмоқда.

Президентимиз Фармони ва Қарорларида “Нуроний” жамғармасининг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш ва жамғарманинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча имкониятлар ва манбалар белгилаб қўйилган.

Жорий йил бошида “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоятдаги бир қатор корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари томонидан ҳомийлик истаги билдирилган эди.

Лекин 2017 йил 1 декабрь ҳолатига бирорта ташкилот ва корхона “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳомийлик ёрдами кўрсатмади. Бу ташкилот раҳбарларининг нуроний жамғармасига ва ўз нуронийларига бўлган муносабати деб ҳисоблаймиз.

“Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор бошқарма, корхона ва ташкилотлар бундан буён ҳам ўзларининг ҳомийлик ёрдамларини бериш таклифини билдиришган. Кенгаш аъзоларининг ташаббус ва истаklarини эътиборга олган ҳолда Васийлик Кенгаши томонидан 2018 йилда ҳам ҳомийлар бириктирамиз (1-илова). Кенгаш аъзолари ва вилоят ҳокимлиги номидан бундай фидоий раҳбарларимизнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз ва уларга кенгаш номидан раҳмат айтамыз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги ПФ-4906-Фармонининг 12-бандига мувофиқ, “Наврўз байрами” муносабати билан жорий йилнинг март ойида ўтказилган умумхалқ ҳашаридан “Маҳалла“ хайрига фондига тушган мабалағлардан **102 млн.сўм** вилоят жамғармасини моддий жиҳатдан

қўллаб-қувватлаш учун ўтказиб берилган бўлиб, ушбу маблағ тўлиғича “Нуроний” жамғармаси Республика бошқаруви ҳисоб рақамига ўтказилган. Ундан **26,0 млн.сўми** қайтариб олинган ва “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлимининг янги биносини жихозлашга сарфланди.

Жамғарма ҳисоб рақамига келиб тушган барча маблағлар ўз мақсадида, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт орти меҳнат фахрийлари, ёлғиз ва эҳтиёжманд кексаларга моддий кўмак бериш, уй жойларини таъмирлаш, нуронийларни саёҳатга жўнатиш каби тадбирларга ва бюджетдан ташқари манбалардан молиялаштириладиган ходимларнинг иш ҳақи учун низомда белгиланган тартибда самарали фойдаланилмоқда.

Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги ПФ-4906-Фармонларига асосан “Маҳалла” хайрия фонди мутасаддилари(раиси **С.Қудратов**)га “Мустақилликнинг 26 йиллигига” бағишлаб, вилоятимизда 2017 йил август ойида ўтказилган умумхалқ ҳашаридан келиб тушган маблағнинг 10 фоизини “Нуроний” жамғармасига амалдаги тартибда тез кунларда ўтказиб бериш вазифаси юклатилади.

Кези келганда шуни айтмоқчиманки, “Нуроний” жамғармаси вилоят кенгаши ва унинг бўлимида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Нуроний ва кексаларни ижтимоий ҳимоялаш, эҳтиёжмандларга моддий ёрдам кўрсатиш, жамиятимизда кексаларнинг фаоллигини ошириш, оила ва маҳаллаларда осойишталикни таъмин этишда тажрибали отахон ва онахонлар ролини оширишда муайян тажриба тўпланган.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Вилоят “Нуроний” жамғармаси Васийлик кенгашининг жорий йил ўтган давридаги фаолиятини сарҳисоб қилар эканмиз амалга оширилган ишларни эътироф этиш баробарида босиб ўтилган йўлимизни танқидий таҳлил қилган ҳолда келгусидаги вазифаларимизни ҳам белгилаб олиш муҳимдир.

Биринчидан, “Нуроний” жамғармаси Гулистон шаҳар ва туман кенгашларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва бошқачи айтадиган бўлсак, замон талабига мос равишда жонлаштириш талаб этилади. Кунни кеча барча ҳудудий бўлинмаларда ўтказилган ҳисобот йиғилишларда билдирилган танқидий фикрлар, мулоҳазалар ва

таклифлар асосида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва жамғарма фаолиятини Юртбошимиз фармонларида белгилаб берилган талаблар даражасида ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, уни тизимли бажариш лозим.

Иккинчидан, кекса авлод вакиллари ёшларни Ватанга муҳаббат, кекса авлод кишиларини ҳурмат қилиш, эзгулик ва раҳмдиллик сингари халқимизнинг кўп асрлик анъналарини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган ижтимоий фаолиятга жалб этишни янада кучайтиришни даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Учинчидан, кексаларни турмуш шароитини янада яхшилаш, хусусан, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт орти меҳнат фахрийларини ижтимоий ҳимоялаш ва моддий жиҳатидан ёрдам бериш, уй-жойларини таъмирлаш, иссиқ-совуқларидан доимий хабар олишга алоҳида эътибор қаратиш, якка-ёлғиз ва эҳтиёжмандларга мунтазам ёрдам бериш жамғарманинг асосий вазифаси эканлигини унутмаслигимиз керак.

Тўртинчидан, оилалар ва маҳаллаларнинг тинчлиги, осойишталигини таъминлаш, эрта турмуш қуриш, ажралишлар сонини қисқартириш, жиноятчиликни, хусусан вояга етмаганлар ўртасида қонунбузилишларни камайтиришда кекса отахон ва онахонларнинг ролини ошириш муҳим аҳамиятга эканлигини чуқур ҳис қилишимиз лозим.

Бешинчидан, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида тажрибали нурунийларга суянишимиз, уларнинг ўғитларини, маслаҳатларини ва албатта дуоларини олишимиз, ёшларимизни баркамол авлод этиб тарбиялашда шарқона урф-одатларимиздан кенг фойдаланиш даркор.

Олтинчидан, “Нуруний” жамғармаси фаолиятини янада жадаллаштириш мақсадида, унинг бўлинмаларини тажрибали кадрлар билан мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бўлинмаларни самарали фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, туманларда “Нурунийлар маскан”ларини барпо этишни тезлатиш туман ҳокимларининг бош вазифаси бўлмоғи керак.

Сўзимни якунлар эканман, Президентимизнинг Фармони ва Қарорлари асосида “Нуруний” жамғармаси вилоят Васийлик кенгашининг ҳамда шаҳар ва туманлар кенгашлари фаолиятини тубдан қайта ташкил этилганлигини эътироф этаман.

Хурматли йиғилиш қатнашчилари!

Президентимиз ташаббуслари билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ҳаётга тадбиқ этилаётган барча жабҳалардаги ислохотлар қилган ишларимизга танқидий баҳо берган ҳолда янги мақсадлар сари янада шижоат билан меҳнат қилишга ундайди.

Шундан кўриниб турибдики, амалга оширилган ишларимизга нисбатан, олдимиздаги вазифалар кўлами кенг ва чексиз. Биз қаерда, қайси лавозимда ишламайлик, ўз олдимизга қўйган мақсадларга эришишимизда инсон омили биринчи ўринда туриши шубҳасиздир. Чунки, барча сайъ-ҳаракатларимиз инсон манфаати ва унинг бахт саодатига қаратилган. Биз бугун юртимиздаги нуронийлар ва кексаларни қанчалик ардоқласак, эртаги шу тақдир бизга ҳам насиб этади.

Эътиборларингиз учун раҳмат.

